

Микрокомпютер тўлик автомат Хатчер инкубаторлари Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш тўғрисида икки томонлама ШАРТНОМА № 09

“04” Октябрь 2022

Қарши ИИ

Қашқадарё вилояти Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси номидан директор Ж.Раҳманқулоов бир тарафдан, VENDOR BUYER M2K номидан раҳбар Қаҳромонов И иккинчи тарафдан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252 сонли қарорига илова “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида” Низом талабларига асосан субсидиялар ажратилади.

1.2. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан 'Темир дафтар', 'Аёллар дафтари' ва 'Ёшлар дафтари'га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан Агентликнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси таркибидаги жамғарма ҳисобварақаларига ўтказиб берилган маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

1.3. Мазкур шартнома бўйича Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси тўловни амалга ошириш ва фуқароларнинг аризасига асосан микрокомпютер тўлик автомат Хатчер инкубаторни _____ эса ўрнатиб берилган инкубатордан самарали фойдаланиш мажбуриятини зиммасига олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот миқдори	1 дона маҳсулот баҳоси	Суммаси
1	Микрокомпютер тўлик автомат Хатчер инкубаторлари	дона	22	7000000	154000000
	ЖАМИ:				

Шартноманинг умумий суммаси 154000000 (Бир юз еттич Тўрт милягон сўм.) сўмни ташкил этади

II. Субсидия миқдори, тўлов шартлари, кўрсатиладиган хизматлар сифати ва бажарилиш муддатлари

2.1. Микрокомпютер тўлик автомат Хатчер инкубаторлари етказиб бериш бўйича Vendor Buyer M2K _____, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси тузилган шартнома тасдиқлангандан (имзолангандан) кейин 3 (уч) иш кунни кун мобайнида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Агентлигининг Қашқадарё вилоят бошқармаси иш бажарувчига шартноманинг умумий суммасининг 30% миқдори 46200000 сўм аванс (бўнак) маблағини ўтказиб беради. Шартнома умумий суммасининг қолган 70% қисмини Vendor Buyer M2K маҳсулот етказиб бериб, фуқаро ишни тўлиқ қабул қилгандан сўнг, тузилган далолатномага асосан Қашқадарё вилоят маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси томонидан тўлаб берилади.

III. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

тақдим этилган шартномани ўз вақтида имзолаш ва шартномада назарда тутилган субсидияни ўз вақтида тўлаб бериш;

Фуқаро шартномада назарда тутилган маҳсулотлар етказиб берилмаган тақдирда маблағларини қайтариб олиш бўйича Vendor Buyer Mark талабнома бериш;

Vendor Buyer Mark ва фуқаро шартномага кўра кўрсатиладиган хизматнинг бажарилганлиги бўйича маълумот олиш; шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш учун субсидия маблағларини Vendor Buyer Mark талаб бериш.

3.2. Иш бажарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

Фуқарога шартномада кўрсатилган хизматларни ўз вақтида кўрсатиш; амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасига тақдим этиш;

шартномада кўрсатилган иш(хизмат)ларни бажармаган (кўрсатмаган) тақдирда ҳисобрақамига ўтказиб берилган маблағларни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасига зудлик билан қайтариш;

шартнома шартлари бузилганлиги ҳақида Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасини зудлик билан хабардор қилиш;

3.3. Фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

шартномага кўра етказиб берилган асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш;

Vendor Buyer Mark дан шартномага кўра иш (хизмат) ни ўз вақтида етказиб берилишини ҳамда етказиб берилган асбоб-ускуналарни зарур сифат параметрлари таъминланган бўлишини талаб қилиш;

шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш.

IV . Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Агар Vendor Buyer Mark фуқарога 10 (ўн) кун муддатда асбоб-ускуналарни етказиб бермаган тақдирда ўтказиб берилган маблағни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасига қайтариши шарт.

Мазкур шартнома ижроси давомида Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, Vendor Buyer Mark ва фуқарога зарар етказилса, қонунчиликда белгиланган тартибда бир тараф бошқа тарафга зарарни тўлаб беради.

4.2. Тарафлар мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажармаганликлари учун ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармасига пеня тўлайди.

4.3. Тарафлар шартнома талабларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

V .Форс-мажор

5.1. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

5.2. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса тарафлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

VI. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартнома юзасидан вужудга келадиган низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

6.2. Тарафлар низоларни ҳал этишда ўзаро келишувга эришилмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

VII. Коррупцияга қарши шартлашув

7.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характериға эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш,

таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари/харакатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

7.2. Томонда ушбу Шартноманинг 7.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

VIII. Қўшимча шартлар

- 8.1. Ушбу Шартнома 2 та (учта) нусхада тузилиб, улар бир хил юридик кучга эга.
- 8.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар барча тарафларнинг келишувига кўра ёзма равишда амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда киритилиши мумкин.
- 8.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 гача
- 8.4. Шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди

VIII. Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари

БУЮРТМАЧИ:

ИШ БАЖАРУВЧИ:

Қашқадарё вилояти Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси

VENDOR BUYER MZAK

Манзил: Қарши ш. Мустақиллик кўчаси 2-уй
Х/Р: 305421860104017041907140115

Манзил: Қарши ш. Дарвозадар
Х/Р: 20208000705410768001

МФО: 00014
СТИР: : 207338518
Тел: : 75-221-17-81

МФО: 01135
СТИР: 308630380
Тел: _____

Бошқарма директори: Ж.Раҳманқулов

Раҳбар: Қаҳромонов И. Умар

Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Қашқадарё вилоят бошқармаси Бош юрисконсулти : Резуллоев

(имзо)

(сана)

**Коррупцияга қарши қоидаларининг
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Қашқадарё вилояти Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ва'да бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

беvosита ёки билvosита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон Қашқадарё вилояти Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;

Телеграм-канал ("antikor.uzb");

Қашқадарё вилояти Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

ТОМОНЛАР:

VENDOR BUYER M2M

Рахбари:

Имзо



Қашқадарё вилояти Маҳаллабай ишлаш
ва тадбиркорликни ривожлантириш
бошқармаси

Рахбари:

Имзо

Сана:

